

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТӢ

РӹЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИКА БОШЛАГАН

Вилоят ижтимоий-сиёсий рӯзномаси

1991 йил 21 декабрь • шанба

№ 247 (10.243). Баҳоси 10 тийин.

АНКАРА.
19. 12. 1991

АЗИЗ ҖАРДОШИМ!
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ
ИСЛОМ ҚАРИМОВ!

Узбекистон Олий Кенгашининг 1991 йил 31 август куни ўтган навбатдан ташқари сессиясида эълон қилинган Узбекистон Республикасининг мустақиллигини ҳукуматимиз томонидан 1991 йил 16 декабря тан олингандаги қарорни Сиз зоти олийларига етказишидан катта шарафа ва гурур хис этмоқдаман.

Җардош Узбекистон халқининг мустақиллигини тан олган илк давлат бўлишдан ва бу тарихий қарорнинг ҳаммамиз учун гоятда самимий ва самарали бўлган сафарингиз чорига қабул қилингандигидан алоҳида баҳтиерлик ҳисларини туймоқдамиз.

Шунга кўра халқаро ҳамжамиятнинг суверен ва тенг бир аъзоси сифатида янги босқичда ўртамиздаги мавжуд дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик алоқаларимизни яна да ривожлантириш билан боғлиқ аҳдлашувларимизни яна бир бор таъкидлашни истайман.

Сизга ва Сиз орқали мустақил Узбекистон Республикасининг қардош халқига бахт, муваффақият ва фаронлик тилайман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ.

Ankara
19/12/1991

Aziz Kaderim,
Muhterem Zelam Kerimov,
Ozbekiston Cumhurbaşkanı,

Uzbekistan Yüksek Sovyetinin 31 Ağustos 1991 tarihinde yapılan ikinci olağanüstü toplantılarında ilan edilen Uzbekistan Cumhuriyetinin bağımsızlık ve egemenliğinin Hükümetimiz tarafından 16 Aralık 1991 tarihinde tanınmasının kararlaştırıldığını Zat-1 Alillerine iletmekten büyük şeref ve gurur duyarım.

Kardeş Uzbekistan halkının bağımsızlığını tanıyan ilk devlet olmaktan ve bu tarihi Kararın büyük önem atfettiğimiz ziyaretiniz sırasında alınmış olmasından ayrıca mutluluk duymaktayız.

Bu vesile ile uluslararası camianın egemen ve eşit birer üyesi olarak önlümdedeki dönemde aramızdaki mevcut dostluk, kardeşlik ve işbirliği ilişkilerinin daha da geliştirilmesi konusunda kararlılığımızı yeniden belirtmek istiyorum.

Size ve sahibinizde bağımsız Uzbekistan Cumhuriyetinin kardeş halkına en içten mutluluk, başarı ve refah dileklerimi sunarım.

Suleyman DEMIREL

S. Demirel

İslam Kerimov
Uzbekistan Cumhurbaşkanı

ДЕЛЕГАЦИЯ ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Узбекистон Республикасининг Президенти И. А. Қаримов бошчилигидаги республика ҳукумат делегацияси 20 декабрь куни Анкарадан Тошкентга қайтиб келди. Делегация расмий ташриф билан Туркия Республикасига борган эди. Аэропортда делегацияни

Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. М. Йулдошев, Узбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсанов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси А. И. Фозилбеков, бошқа расмий кишилар кутуб олдилар. (УзТАГ).

29 декабрь—Республика Президенти сайлови ва референдуми куни

ЖОЙЛАРДАГИ АҲВОЛ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

19 декабрь куни Узбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Референдумини ўтказувчи Тошкент вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Матълумки, комиссия йиғиларида вилоят районлари, шаҳарларида шу йил 29 декабрь куни ўтказиладиган Президент сайлови ва Референдумини ўтказишига тайёргарликнинг бориши мунтазам таҳлил этилмоқда. Бу сафар комиссия аъзолари халқ депутатлари Калинин, Бўка, Оққурон, Қўйи Чирчиқ, Урта Чирчиқ районлари ҳамда Янгийўл шаҳар Кенгашлари раҳбарларининг ҳисоботларини тингладилар.


29 декабрь куни Янгийўл шаҳрининг 34 мингдан зиёд сайловчиси 22 та сайлов участкасида овоз беради. Уларни рўйхатта олиш, сайловни ҳар томонлама пухта ўтказиш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Аммо

шу билан биргаликда айrim муаммолар ҳам юзага келаётir. Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгашининг раиси Ш. Каримов ана шулар ҳақида гапирав экан, сўнгги пайтда шаҳарда электр таъминоти мураккаблашиб бораётганлигини алоҳида таъкидлadi. Халқ депутатлари Бўка район Кенгашининг раиси Қ. Элчибоеv эса ёнилги етишмаётганлиги сабабли Бўка район аҳолиси транспорт қатнови издан чиққанлигидан кўп шикоят қилаётганлигини айтиб, бу борода мутасадди ташкилотлар қўшимча тадбирлар ишлаб чиқишилари зарурлигини айтиди. Сўзга чиққан бошқа ўтоқлар ҳам Президент сайлови ва Республика тайёргарлик сўнгги босқичга кирганлигини таъкидлаш билан биргаликда юзага келаётган ана шундай ва бошқа муаммоларни ҳал этиш зарур бўлаётганлигини тилга олдилар.


Дарҳақиқат, бу мулодазаларда жон бор. Сўнгти кунларда вилоятнинг барча район ва шаҳарларида транспорт қатнови, электр таъминотида тез-тез узилишлар бўлмоқда. Шунингдек, айrim мутасадди ташкилотлар сайлови ва Референдум олдидан белгиланган тадбирларни бажарища сусткашлика йўл қўймоқдалар.

Комиссия аъзолари шу куни вилоят аҳолига маший хизмат кўрсатиш бошқармаси, вилоят ижтимоий таъминот бўлими, алоҳа ҳамда электр энергияси таъминотига мутасадди бўлган раҳбарларнинг ҳам ҳисбботларини тинглаб, тегиши тадбирлар белтилаш зарурлигини таъкидлadiлар. Йиғилишда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўринbosari R. Tursunov сўзга чиқди.

Йиғилишда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўринbosari R. Tursunov сўзга чиқди.



Сураткаш X. МИРЗАКАРИМОВ.



ХУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ

БИР КУН-МАКТАБДА, БИР КУН-УСТАХОНАДА

Яқинда «Маърифат» рўзномасида халқ таълими тўғрисида Узбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси эълон қилинган эди. Уни синчилаб ўқиб чиқиб, кўп хурсанд бўлдим. Хусусан, менга таълимнинг асосий хусусиятлари бўйича белгиланган қоидалар маъқул бўлди. Унда таъкидланнишича, тўқиз йиллик таълимнинг ўвигина мажбурий, 10, 11-синифларга ўқувчилар иктиёрий равишда бориб ўшилари мумкин. Аллақачон шундай қилиш керак эди. Чунки қанчадан-канча ёшлар қизиқмасаларда, 11 йил ўқиб умрларини беҳуда ўтказётган эдилар. Эндиликда 9 синифни битириб бемалол техникума, хунар-техника билим юртларига бориб ўқиш имкониятига эгалар.

Хозирги турмуш тарзимиз ёшларни кўпроқ меҳнатга жалб этиб, оиласа моддий маблаг билан ҳисса ўқишига даъват қилмоқда. Бу ўринда касб эгаллашнинг мөдияти ортади. Ана шу муаммо бошқа бир муҳим масалани қўндаланг қилиб ўқишига. У ҳам бўлса, мактаб ва хунар-техника билим юртларининг амалий ҳамкорлигини таъминлашдир. Бунга қаерда эътибор бериладётган бўлса, натижа ҳам самарали бўлмоқда. Бу шунинг учун ҳам зарурки, ёшларни касб таъланашга жалб этишда ҳам мажбурийлик бўлмасин. Ҳар бир юртларига жизиллаган хунарни таъланаб ўғисин. Худди шу ҳолдагина у кейинчалик кўнгли тўлиб ишлайди, умрни зое кетказмайди. Бу жиҳатдан олган-

да Калинин ноҳиясидаги Нодира номли 15-ўрта мактаб иши ибратли. Бу мактабда ўтган йили 98 нафар ўқувчи 9-синифни битири, шулардан 20 нафари мактабда ўқиши давом этиши мөдияти. Қолганлари Тошкент шаҳридаги А. Ҳўжаев номли хунар-техника билим юртли билан тузилган шартномага мувофиқ З кун мактабда, З кун билим юрти устахонасида ўқиб касб ўрганишаёт.

Ёшларни хунарга тортишда мактаб директори Шавкат Мадумаров, билим юрти директори Шомансур Муродов ҳамда ўқитувчи Зухрахон Ҳўжаевалар жонкуярлик кўрсатдилар. Бу хунар даргоҳида йигитлар бўёқчилик, сувоқчиликни, қизлар тикувчиликни эгаламоқдалар. Бундай ҳамкорлик бошқа мактабларда ҳам мавжуд. Чилонзор районидаги 200, 203, Акмал Икромов районидаги 81, 116, 123, 129-ўрта мактаблар кўпдан бўён бизнинг билим юртимиз билан алоқани мустаҳкамлаганлар. Ҳар йили ана шу мактабларда 15—30 ўқувчи касб эгалаш учун билим юртимизга юборилади.

Оталиқ ташкилотларининг билим юртими битириб чиқсан кадрларга талаби ортаётганини ҳам эътиборга лойик. Шу муносабат билан хунар-техника даргоҳларига яхши хуқуқли, ижобий баҳолар билан ўқиған ёшлар келишса мақсадга мувофиқ бўларди. Негадир, бу борада ҳамон мактаблар, отоналар етарлиғи ғамхўрлик кўрсатишмаяпти. Қолавер-

са, ўқув юртлари ўқувчиларни жалб этадиган дараҷада шаклан ва мазмунан чироили бўлиши керак. Дарс кабинетлари чироили ва замонавий жиҳозланган ёшларнинг спорт, маданий тадбирлар билан шуғулланишлари учун барча имкониятларга эга бўлган билим юртига ўқувчилар ошиқши табий. Бой кутубхона, саранжом-сариншта ётоқхона, файзли ошхона, ёзги-киши спорт заллари бўлган ўқув даргоҳи эса қабул вақтида қийинчиликка учрамайди. Бизнинг билим юртимизда ана ѡшлар ҳаммаси ҳисобга олинган.

Мен айтмоқчи бўлган яна бир фикр ота-она, мактаба хунар-техника билим юртлари ўтасидаги ҳақиқиётини алоқани таъминлаш ҳақида. Агар бу ҳамкорлик бўлмас экан, билим юртларини кадрларга мұхтожлиги, малакали касб эгаларини тайёрлашдаги умидлари рўёбга чиқиши мушкул.

Шунинг учун ҳам, мен бир кекса мураббий сифатида 15-ўрта мактабнинг бу борадаги тажрибасини бошқа мактаблар ҳам ўрганишини истардим. Ҳозирги иктисодий оғир бир шароитда «мактаб — хунар-техника таълими», «мактаб — завод», «мактаб — фабрика», «мактаб — қурилиш» каби ўқув ва касб танлов усууларни кенг жорий этиш пайти келди демоқчиман. Бунда, албатта юқорида таъкидлаганимдек, ёшларнинг ўзлари қизиқсан хунарларни эгаллашларига шарт-шароитлар яратайлик. Шундай қиссан, юмхуриятимиз ҳам, ёшлар ҳам нафқурладилар.

Р. ҲУСАНОВ,
Социалистик Менхнат
Қаҳрамони, Узбекистонда хизмат кўрсатсан
Ўқитувчи, Тошкентдаги
12-хунар-техника билим
юртимиз мураббийси.

Хусусан, Бекобод районида ўюштирилган барча милиятлар турмуш тарзи ва урғодатларини намоён қулиувчи павильонлар кўргазмаси ҳамманинг эсида қолди. Бу тадбирни вилоят бошқармаси келажак учун кинолентага ҳам тушириб қўйди.

Бўстонлик Юқори Чирчиқ, Қиброй районларида ўтган оқинлар кўриги ҳам йилнинг файзи байрамларидан бўлди. Фазалкент маданият уйи, Бўстонлик ноҳиясидаги Абай номли, «Қизил ту» колхозларидаги

шу тантаналарда 2 мингга яқин томошабин иштирок этди.

Маданият ходимлари ниҳояланётган йилда миллий бадиий жамоалар энг кўп шаклланганлигини ҳам таъкидламоқдалар. Маданият вазирлигига қарашли видоитимиз клубларидаги 977 бадиий ҳаваскорлик дасталаридан 90 таси қозоқ, 20 таси татар, 12 таси корейс, 10 таси токик дасталари эканлиги бунга мисол бўла олади.

С. ҲАСАНОВ.

ган терговлар тамом бўлди. Унда маълум бўлишича, Чехословакиянинг соғиқ раҳబарлари ривожланётган мамлакатлардаги коммунистик ҳамда ишчи партиялар фаолиятини молия билан таъминла турли мақсадида ҳар йили Москвага — махсус сўчтга ярим миллион доллардан ошиқ маблагларни ўтказиб туришган.

• ЯҚИНДА Қизил денгизда содир бўлган мудхиш кема ҳалокати ҳақида рўзномамида хабар ёзлон қилинган эди. Гарп бўлган кемадан одамларни кутқариб олиш пайтида омон қолган кишилар таажжубли бир воқеанини гувоҳи бўлганлар: чуқиб кетаётган бир эррак кишининг бошини сувдан баланд «тутишиб», иккиче дельфини бу шахсни соҳилга омон-асон олиб чиқиб кўйганлар. Дельфини бирин гоҳо-гоҳо хужум цилмоқчи бўлган акулаларни бўлажак курбоилиридан нари ҳайдаб тургандар.

• БАЛИҚ тутиш билан шуғулланувчи «Карртли» совет кемаси куни кечча Шотландиянинг гарбий соҳили

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» рўзномасининг ўтган йиллардаги сонларидан бирида «Квантнинг холис хизматлари» номли мақолам боси либ чиқсан бўлиб, унда Ригада чиқариладиган «Квант» деб аталган автомат телефон станциясининг афзаликлари ҳақида ҳикояни килинган эди. У мавқуд АТС лардан тубдан фарқ қилиши, қўшимча 25 хил хизмат кўрсата олиши қайд этилганди. Муштарийлардан келган хатларга қараганда, «Квант» кўпчиликни қизиқтириб қолган. Бутунга келиб қатор йирик корхоналарда бу аппаратдан фойдаланилмоқда. Бироқ, айрим иктисодий ва техникий сабабларга кўра йирик шаҳарларнинг жумладан, Тошкентнинг телефон тармоқларида ишлатилганича ийү.

● ДИҶАТ, ЯНГИЛИК!

Тошкентда ҳам чиқарилмоқда

Бугунга келиб, айнан, йирик шаҳарларнинг телефон тармоқларидаги АТСлардан кескин фарқ қиласидиган ва бир ўзи жуда кўп қўшимча хизматларни кўрсатадиган телефон аппарати яратилди. У МТК-2 (кўп хизматли телефон компьютери) деб аталади. Масалан, сизга телефон қилган одамнинг телефон номерини билиш зарур бўлиб қолди, дейлик. Бунинг учун анча овора бўласиз: аввало телефоннинг дастасини аппаратга қўймай бошқа бир телефондан АТСга қўнгироқ қилиб, у ердагилардан ким телефон қиласидиганлигини сўраб билишиниз мумкин. Албатта, бу анча машақатли. МТК-2 аппарати эса буни сизга бир ярим сониядан олти сониягача бўлган вақт ичиди айтиб беради.

Бунинг учун, ҳатто, дастасини кўтаришнинг ҳам шарт эмас. Қўнгироқ қиласидиган телефон номерини, ҳатто, у кўчалардаги автомат телефони бўлганида ҳам билганингиздан кейин эса сухбатни магнитофон лентасига ёзб олишингиз ҳам мумкин.

Айтилик, сизга телефон қиласидиган одам билан гаплашшига ҳушингиз ўқроқ. Бундай ҳолларда сизнинг «бўйруғингиз» билан ўнтағача қилинган телефон қўн-

си жавоб беришга уриниб курди.

Маълум бўлишича, ноғаннавий тиббиёт сўнгти йилларда бутун Америка бўйлаб кенг қулоч ёмоқда. Эндиликда у саноат ўюнмасига айланиси бормоқда. Унинг тасаруфида бўлган 27 миллиард доллар ҳам шундан далолат беради. Ҳафтанома ҳозирги замоний тиббиётга ҳаракандан одамлардан ҳозирлардан қолган даволаш усуулари кўпроқ фойда келтирилмоқда, деб ҳисоблайди. СУРАТДА: инча билан даволанаётган беморин кўриб турибисиз.

ТАСС сурати.

● РУМИНИЯ ташкил вазирлиги шу йил 25 декабрдан бошлиб Руминиянинг ҳар бир фуқароси чақириқ ёхуд таклифларни бемалол Молдаво Жумхурятига бориши мумкин, деб ёзлон қилиди. Унинг шахснинг тасдиқловчи хужжат ҳозир хориж учун мўлжалланган паспорт бўлса.



● НОАНЪАНАВИЙ тиббиётга Америка фуқаролари ҳаракандан муносабатда бўлмоқдалар? Бу саволга машҳур «Тайм» ҳафтанома-

МАДАНИЯТ
МУАССАСАЛАРИДА

БАЙНАЛМИЛАЛ РУҲДА

1991 йилда вилоят маданият муассасалари миллиатларо дўстлик, ўзаро хурмат ва турли халилар маданий меросига эътиборни кучайтириш борасида қатор тадбирлар ўтиздилар.

Хусусан, Бекобод районида ўюштирилган барча милиятлар турмуш тарзи ва урғодатларини намоён қулиувчи павильонлар кўргазмаси ҳамманинг эсида қолди. Бу тадбирни вилоят бошқармаси келажак учун кинолентага ҳам тушириб қўйди.

Бўстонлик Юқори Чирчиқ, Қиброй районларида ўтган оқинлар кўриги ҳам йилнинг файзи байрамларидан бўлди. Фазалкент маданият уйи, Бўстонлик ноҳиясидаги Абай номли, «Қизил ту» колхозларидаги

шу тантаналарда 2 мингга яқин томошабин иштирок этди.

Маданият ходимлари ниҳояланётган йилда миллий бадиий жамоалар энг кўп шаклланганлигини ҳам таъкидламоқдалар.

• СОВЕТ Социалистик Республикаларини Иттифоқи энди йўқ, Бирлашган Миллатлар Ташиклидига унинг ўринини ким эгаллашди, деган савол ҳозирги пайтида ҳаммани қизиқтирилмоқда. Россия Президенти Б. Н. Ельцин АҚШ давлат котibi Жеймс Бейкер билан яхшида учрашган пайтида ССРУ ўринини БМТда ҳамда Ҳавфсиялик Қенғашидаги Россия эгаллашни мумкин, деган фикри билдири. БМТ бош котибонини матбуот котибларидан бири Алекс Тауакч бу хусусда гапириб, биз Совет Иттифоқидан бўлаётган воқеалардан, албатта, хабардормиз, бироқ Совет Иттифоқидан ҳамон Ҳавфсиялик Қенғашидаги аъзоси бўлиб турибди. Бу ҳолатни ўзгартириш тўғрисида масала кутарилгудек бўлса, БМТнинг тегинли органлари бу хусусда ўйлаб кўради, деди.

• КОРЕЯ Жумхурятини

• Қадриятларимизнинг қадрига етайлик

ИККИ АЛЛОМА ДУСТИЛИГИ

УСТОЗ МАҚСУД ШАЙХЗОДАНИНГ «Тошкентнома» поэмасидаги «Хотима» қисмидаги шундай мисралар билгатан:

Яшадим ўттиз йил бунда чамаси,

Бу ерда түгилган Гафур ва Ойбек

Бириншисининг ўтили юраги,

Биринчидан оларни баланд тираги.

Дарҳақиат, 1928 йилда ўзбек тупрорига илк бор қадам қўйган ўспирин йигит Мақсуд Шайхзода Гафур Ўлом увайсида Ойбекнинг меҳмоннавозлигидан чина амига баҳраманд бўлди. Шоир айтмоқчи «насримиз» баланд тираги Ойбек Мақсуд Шайхзодага ҳақиқий оғалик меҳри билан муносабатда бўлган. Мақсуд Шайхзоданинг хос ён дафтарида бу борада қатор қайдларни ўқишимиз. Шундай қайдларнинг бирида домла Шайхзода: «Бугун ўзбек тилица илк бор «Трактор» шеърини битдим. Уни қисиниб — қимтиниб Ойбекка кўрсатдим. Ойбек шеърни тақрор-такрор ўқиб чиққач, айrim камаларнинг тагига чизиб, жуда камтарлик ва мулоҳимлик билан менга оғир ботмасин деб ана шу сўзларни бошқачароқ иборалар билан алмаштирилса, шеърнинг маъноси яна ҳам чуқурлашган бўлурди, деган маслаҳатни берди. Бу мулоҳазалар ва шундан кейинги ана шундай фикр олишивлар мен учун яхши мактаб бўлди», — деб битиб ўқибдилар. Шунга ўхшаш қатор қайдлар домла Шайхзоданинг хотиротида анчагина учрайди. Бонса бир ўринда домла Шайхзода: «Адабий ижоднинг машақватли ва серташви ниҳосини Ойбек ҳамнағаслигига башладим десам, муболага бўлмас», деб қайд этибдилар.

Иннлар ўтиши билан бу минимий дўстлик мустаҳкам ижодий ҳамкорликка айланди ва бир умрга давом этди. Бу икки буюк аллома ўзбек совет нараси ва шерлагининг ривожида елкана-елка туриб қалам сурниди. Мақсуд Шайхзода Ойбекнинг «Навоий» романининг бунёдга келиши жардиди ҳақида тўхтаб, шундай деб ёзган эдилар: «1943 йилнинг киши фасли куиларининг бирида Ойбек менинг ўқилатиди. Кўришдик. Эртасига ўйнга таклиф ўзилди. Бордим. Салом-аликдан сўнг Ойбек ўз хонасига кириб кетди. Андак фурсат ўтгач, бир папка кўлэзма кўтариб чиқди. Папкани стол устига кўйгач, менга сирли бир ингоҳ ташлади-да, папкани очди. Менга юзланниб: «Мақсуджон, мана, ҳазрати Алишер ҳақида битилаётган роман ҳам ижодиятига етади деб қолди. Агар раббатингиз бўлса, романнинг бошлигинич қисмини бирга мутолаа қилишсан», деди.

Шубҳасизки, мен бажонидил розилик билдирил.

Бошлигинич бобларнинг мутолаасидан сўнг қизғин баҳсимиз ярим тунга қадар давом этди. Бу орада ўнлаб чойнак чой ичилиб, бир неча кути «Казбек» оламдан ўтди. Охири, иккимиз ҳам баҳс ва сұхбатдан қолдик.

Алишер Навоий шахсияти талқинига доир анчагина мулоҳазалар Ойбекка маъқул тушди. Ана шу сұхбат асносида, роман нашр этилгач, мenda роман ҳақида батағасидан мубоҳа билан чиқини нияти түгилди. Ва ижодат «Тирик Алишер» мақолам «Қизил ўзбекистон»да ўзлон қилинди.

Бу икки улуг зоти шарифлар ўзбек классик адабиёт ва маданиятизмнинг биллинидоплар сифатида кўпгина ва баҳсли муаммолар талқинида ҳамиша бир-бирлари билан маслаҳатлашар, кўпинча ҳамфир бўлардилар. 60-йилларнинг аввалида катта бир адабий доирада Ойбек ҳақида сўз кетганда Шайхзода шундай деган эди:

— Шубҳасиз, Ойбек ўзбек адабиётida ижодий иш интизомини ўзига темир қоюда қилиб олган ва шуниси билан ёшларга яққол ўрнак бўла оладиган адаб. Мунтазам меҳнати билан бир қаторда жуда кент маърифат ва теран билим доирасига эга бўлиш, ҳаётни, тарихни, инсонларни чуқур үрганиши Ойбекнинг кеңг қулоч отиб ривожланган ижод унумларини яратишга имконият берди, деб ўйлайман. Ҳа, ҳақиқатан ҳам Ойбекни оламшумул адаб, насримизнинг бузруквори, улкан мутафаккир, камтарнилини ва олиjanоблинида мисли йўқ вали шахс десам, муболага бўлмас.

Бундайни самимий фикрлар Мақсуд Шайхзоданинг Ойбек ҳақида битилган қатор шеърий барисловларида ҳам ўзининг яққол ифодасини топган.

Муҳсин ЗОКИРОВ, Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, филология фанлари номзоди.

БОБОРАҲИМ МАШРАБ ТАВАЛЛУДИНИНГ
350 ИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҮРТАР

[МАШРАБ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС]

Тушуб эрди манга чашминг, оғашидин бу жон ўттар, На кундуз, на шаби торик манга бермай омон, ўттар, Демасман ҳимсага дардим, гапирсам гар лисон ўттар, Агар ошиғлигим айтсан, куюб жону жадон ўттар, Бу ишқ сиррин баён қиласам, тақи ул хонумон ўттар. Маним ҳолимга эл ҳайрон, им элдин ҳам ўзум ҳайрон, Кезиб кўча, им чун телба, сўзум вайрон, ўзум вайрон, Бу ҳолимдин кулар бўлсанг, жавобимни эшит нодон: Кинига ишқ ўтидин заррае етса бўлур гирб, Бўлур босабур бетоқат, юрак-багри чунон ўттар. Нече кездим бўлинб сарсон саннинг ёлгиз суронингда, Ки сақлай деб бу жонимни фирғоннингдан паноҳингда, Мени беконумон тинмай куоб ёндим фирғоннингда,

УН БЕШИНЧИ асрда Ҳирот шаҳрида кўплаб тарихи, зироатшунос, фиҳ, тил олимларни донишмандлари, адабиётшуносу мусиқашунослар етишиб чиқди. Ҳондамир оламга донг таратган ана шундай донишмандлардан биридир.

Ғиёсiddин ибни Ҳумоиддин Ҳусайний — ҲОНДАМИР 1475 йили Ҳиротда зиёли оиласида дунёга келади. У дастлабки таълимни хусусий муаллимлардан олади, сўнгра Ҳирот мадрасаларида таҳсил кўради. Ҳомий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро билан маслаҳатдо бўлади. У замонасида кўпгина билимларни эгаллайди, бобоси Мирхондининг аньаларини давом этиради. Ҳусайн Бойқаро саройда китобдор, Ҳирот мадрасаларида мударрис бўлиб ишлаб олм, 1528 йили Деҳлига бориб, аввал Бобур, кейин унинг ўғиллари ҳузурда яшайди. Ҳумоюннинг барча юришларида тарихи сифатида ҳамроҳ бўлади.

Ҳондамир 1535 йили Ҳиндистонда вафот этган. Олимнинг ҳаётидан мероси ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбири аъзолари Иzzat Султон, Бўривий Аҳмедов, доцент Найм Норкулов томонидан ўрганилган. Доцент Ҳасан Қудратуллоев олим асрларидан айрим парчаларни аслида — форсийда оммалаштирган; машҳур олим Порсоҳон домла Шамсиев «Макорим ул-ахлоқ»ни ўзбекчалаштирган.

Ҳондамирдан бизга қадар уч жилдан иборат «Ҳабиб ус-сияр», «Хулюсат ул-ахлоқ», «Дастур ул-вузар», «Қонуни Ҳумоюн», «Чор унсур», «Макорим ул-ахлоқ» асрларни етиб келган. Бундан ташқари, у боғоси Мирхондининг «Равзат ус-сафо» асарининг еттинчи жилди ҳамда хотимасини ўзган. Бу асрлар бир томондан XV асрнинг оғир, XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шарқ мамлакатлари тарихини, хусусан, Ҳиндистон, Эрон, Ҳуросон, Мовароунаҳар тарихини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эга. Олим уларда ўзигача бўлган араб ва форс тарихчиларининг асрларидан кеңг фойдаланади; ўз фикрларини айрим ривоятлар билан тасдиқлашга интилади. Айнича, темурйлар салтанатининг инқиризи, уларнинг шайбонийлар, сафавийларга қарши олиб борган жонги, Ҳиндистондаги салтанатдорлиги анча бағифат юзасидан бир қороз ёсалар.

Дарё кўнгилли Амир бу сўзларга жавоб берди: — Ҳар кун шаҳардан «Ихлосия» мадрасасига қатнашдан қутилиши учун кўпдан бери унинг атрофидан бир ҳовли сотиб олиш иштиёқида юардади. Ҳозир эса ўзандай жой топдим ва уч минг динор кепакига сотиб олмоқчиман. Бироқ бу орада бир амалдор пайдо бўлиб, бу маблағ устига бироз ўзимоқда. Сочувчи эса ҳовлини ўшанга сотмоқчи. Умид шуки, мулозимларнингиз у кишига мазкур ҳовлини сотиб олишдан воз кечиш ва менга қолдириш ҳақида шафкат юзасидан бир қороз ёсалар.

Дарё кўнгилли Амир бу сўзларга жавоб бермасдан, ўтгадаги машгулотини тутгатишга кириди.

Шунинг учун у жаноб ташвишланиб: «Менинг илтиносим олий ҳазрат кўнглига оғир тушди», деб ўйлади. Шатранж ўйини тугади. Эҳсон ва саховат соҳиби Амир у зотга мурожаат этиб: «Агар фақирлардан бири майдони кенг, иморати кўп, ҳавоси ёқимли, ва суви ширин, мадрасасида якин ҳовлини сизга инъом этса, сизга муносабиброн бўладими ёки ўша ўзингиз айтган ҳовлини кўлга киритиш учун ҳаракат қилинсими?» — дедилар. Улуғ насаблик ул жаноб бу сўзни эшитиб, шодлик ва хурсандлик билан миннатдорчилек изҳор этилар.

Ушбу ҳикоят Ҳондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарининг тўққизинчи мақсади (боби)дан келтирилган. Унда зикр қилинган талаба «Бадоеъ ус-саноеъ» («Бадий санъатлар») асарининг муаллифи машҳур шоир, адабиётшунос, мударрис Атоулло Маҳмуди Ҳусайнийдир. Кейинчалик олим ўз асарида Навоийдан кўрган мурувати учун миннатдорлик билдириб, улуғ Амир ҳақида илик сўзлар ёзил қолдирган.

Ҳа, Ҳондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асари унинг ўз таъбири билан айтганда, «болалиги ва йигитлик палласида кўп марҳаматлар кўргани» ҳазрат Навоийга бағишиланган энг баржаста асарида Ҳондамир тутгатиб, ҳали ҳунавий қилиб улгурмасдан, Алишер Навоий оламдан ўтади. Олим кўзда нам, дилда кам билан китоб охирида шоир вафоти тафсилотларини ҳам битади.

Ушбу асар Навоийнинг ҳаёти, фаолияти, ижодий мероси хусусида энг муқаммал маълумот берадиган мўътабар манбалардан дандир.

Ҳондамирдан ташриф буюдилар ва ҳандай юмушлари бор? — деб сўрадилар.

Амир Бурҳониддин шундай жавоб берди:

— Ҳар кун шаҳардан

«Ихлосия» мадрасасига қатнашдан қутилиши учун кўпдан бери унинг атрофидан бир ҳовли сотиб олиш иштиёқида юардади. Ҳозир эса ўзандай жой топдим ва уч минг динор кепакига сотиб олмоқчиман. Бироқ бу орада бир амалдор пайдо бўлиб, бу маблағ устига бироз ўзимоқда. Сочувчи эса ҳовлини ўшанга сотмоқчи. Умид шуки, мулозимларнингиз у кишига мазкур ҳовлини сотиб олишдан воз кечиш ва менга қолдириш ҳақида шафкат юзасидан бир қороз ёсалар.

Ушбуни ёзишда Ҳондамир асрларидан, Б. Аҳмедовнинг «Ҳондамир» рисоласи ҳамда қомуслардан фойдаланилди. (Х.Х.).

Ҳамиджон ҲОМИДОВ, филология фанлари номзоди, доцент.

Дилмурад САИДОВ.

Адабиёт саҳифаси

Рамз БОБОЖОН
70 ёшда

ТАЛАНТ ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уни юзага чиқариш ва ўстирища ижодкор минг бир тусикларга учрайди, бирок қийинчиликлардан кўрғаслик, мардлик, тантлилек, оқилона ҳаракатлар туфайли иштедод эгаси ўз қобилиятини юзага чиқарди. Бунинг учун қаламкаш дунёни теран хис этиши, ўзининг акл-идрохи, ҳис-ҳаяжони ва ҳаёт зиддиятларини ҳар жиҳатдан англаши зарур. Ана шундай иктидор эгаларидан бири, элизимиза жўшқин лирик шоир ҳамда маҳоратли драматург, моҳир ташкилотчи раҳбар сифатида ташкилотчи Раҳим Рамз Бобожондир.

Бошқа ёзувчилар қаторида ҳаёт қарама-қаршиликларини бошидан кечирган, злёрт манфаати йўлида тинмай фаолият кўрсатадиган моҳир адабимиз 1921 йилнинг декабрида Тошкент шахрида таваллуд топди. У ёшлигидан бошлаб билим олишга алоҳида меҳр кўйди. Низомий номидаги Тошкент Давлат муаллимлик олийгоҳидаги таҳсил олди. Ўкувчи-шларнинг нашри бўлган «Ленин учкунни»да муҳаррир бўлиб ишлади. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг раҳбари, кўп йиллар Узбекистон Ўкувчилар ўюшмасининг котиби. Осиё ва Африка ёзувчилар Узбекистон кўмитасининг раши сифатида катта фаолият кўрсатди.

Рамз Бобожон ўкувчилар йилларидаги бадий адабиёт сехрига тушди. Унинг кенг, қизиқарли ва машҳулатли бағрига киришга ўзида куч толишига интилид. Қалибда жўх ура бошлаган ижодий түғён уни нимадир ёзишга ундерди. Баландликдан туриб зилол сувли кўлга калла ташлашга ботинолмай, оҳир-оқибат ўзини отган болакай қанчалик ҳузур олганидек, ёш Рамз ҳам адабиёт умоминага ўзида жасорат ва куч-ғайрат топди. У ўн тўрт ёшлигидаги биринчи машҳи — «Шодлигим» шеърини «Ленин учкунни» рўзномасида эълон қилдириб, ижоднинг иккичуончини тобтиб кўрди. Шундан сўнг кетма-кет унинг ҳикоя ва шеърлари матбуот саҳифаларида кўрина бошлади. Еш адаб ёзганларини устозларига кўрсатиб, уларнинг йўл-йўрүклилардан бахроманд бўларди. «Юрак», «Ҳаёт гулшени» сингари поэтик намуналари ҳа-

ли бадий жиҳатдан хомроқ, барчанинг эътиборини тортмаган бўлса-да, улар ўзининг жўшқинлиги ва лирик манзара-ларга бўйлиги билан эътиборга молик эди.

Шоир 1939 йили «Шеърлар», 1940 йили «Хадя» шеърий тўпламларини эълон қи-



либ, кенг жамоатчиликка танила бошлади. Иккинчи жаҳон үруши йилларидаги шеърлари билан майдонга чиқди. Шу тариқа ватанпарварлик мавзуси унинг ижодида етакчи ўринни ёзглади.

**Ана, сендан шундай бир ўтиңч:
Ёвларни қув, Ватан бўлсан тинч!
Енгиз учун эзга қасам ич,
Олмос қилич сенинг кўлнигда...**

Шоир ижодида фронтда қон кечётган аскарларимиз ва уруш ичкарисида Фидокорона меҳнат қиласиган халқимизни руҳлантирувиш шеърлари анчагинадир. Айниқса, «Фронтдан ҳат», «Сориннича», «Солдат», «Яхши ният» сингари шеърларида лирик қарорларини ички дунёси, муҳаббат, дўстлик, садоқат мотивлари ўз ифодасини топганингни кўрамиз.

Урушдан кейинги йилларни биз одатда тинч давр деб атаб келдик. Ҳакиқатан

ҳам шундаймиди? Бир қарашда осудадек кўринган турмушишим зиддиятларга бой эди. Кўзга кўринмас иллар билан Марказга боғланган эдик, коммунистик партияни измидан чиқмасдик. 100 сўм бериб ўн сўмга қаноат ҳосил қилишга ўрганиб қолгандик. Буйруқбозлик, маддия-бозлик, мансаб учун кураш авжига чи-

ва бошқа адабларимиз ижодида ҳам шунга ўхшаш рӯҳ ҳукмрон эди. Шунга қарамай Рамз Бобожон ижодий фаолиятини янги-янги мавзулар ҳисобига кенгайтириб борди. Унинг ижоди шеърдан достондан драматургияга ўсиб чиқди.

Рамз Бобожон 60—70-йилларда достончилик жанрида самарали ижод қилид. Хусусан, у ўзининг «Қадрдан дўстлар», «Дўстлар ва уйлар», «Қизил галстук» («Назми ва Турғун») достонларида, «Мирзачўл афсонаси» балладасида шиндоаткор меҳнат, вафо ва фидойилик ғояларини тараним этди.

Рамз Бобожон ижодининг катта қисмини саҳна учун ёзилган асралар ташкил этди. Жумҳуриятимиз театларни унинг катор пъесаларини муввафқиятли саҳналаштириб келишибди. Ҳаётимизда учрайдиган салбий иллатларни фош этиш, ижобий қаҳрамон саналувчи характерларини курашларини кўрсатиб драматик олдиаги муҳим вазифалардан бири эди. Шунингдек муғомбир ва айёр, дангаса ва муттаҳам кимсалар устидан комик ҳолатларда кулиши ҳам комедиянавис сифатида самарали амалга ошириди. У ўзининг «Тоға ва жиянлар» (1960), «Лўлилар» (1964) номли пъесаларида ҳаётимизда учраб турадиган иллат ва қусларни фош этид, илғор фикрли кишиларнинг яратувчилик фаолиятларини кўрсатиб берди. Драматург ижодидан кенг ўрин олган «Инсу жинс ёки тирик мурдалар», «Зухранинг мактублари» пъесалари, «Шикоятга ҳожат йўқ» кинокомедияси ҳам ўзининг ҳаётний жиҳатлари билан эътиборимизни тортиди.


Рамз Бобожон моҳир таржимон сифатида ҳам кенг китобхонларнинг эътиборига тушди. У А. Пушкин, Н. Некрасов, А. Твардовский, Н. Грибачев, Н. Тихоновларнинг шеър ва балладаларини, Г. Ибсен, С. Михалков, Н. Ҳазрий пъесаларини ўзбек тилига ўтириди.

Рамз Бобожон «Оби-ҳаёт» достони учун ССРР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ташкилотчилик, адабиётимизни юксалтиришдаги хизматлари учун ҳукуматнинг қатор нишон ва медаллари, «Узбекистон халқ шоюри» унвони билан тақдирланди.

Катта маҳорат эгаси бўлган шоир, драматург, мақоланавис ва таржимон Рамз Бобожон шу кунларда 70 ўнга тўлган экан, биз бу сермаҳсул адабимишга синатсаломатлик, ижодида янги ютуқлар тилаб қоламиз.

Қудрат ЖУРАЕВ,
Филология фанлари номзоди.

Болалар шоири — Усмон Носир номидаги мукофоти совфиндори



ги жумҳурият мукофоти билан тақдирланди. Биз умидли ижодкорни бу мукофот билан самимий қутлаб, унинг бундан кейинги ижодида ҳам улкан ютуқлар тилаймиз.

Қўйида Абдураҳмон Акбарнинг кичкинтойларга аталган янги туркум шеърлари билан танишасиз.

ОТА ЎГИЛ

— Катта бўлсан уйларга Гуллар расмин соламан.
— Ўнинчини битирсанам,
Мотоцикл оламан.
Акаларидан кўзини
Узомлам кўнгли тўлиб,
Али дер:
— Мен яшайман
Отамдек ўзек бўлиб...

«СЕМИРИШ»

— Бир кундай юзларинг Кизариди гуччадек.
Бир кундай юзларинг Тўлишибди кулчадек.
Нима еб, нима ичдинг,
Яширасдан айт, қани?
Зора мен ҳам сенайсан
Семириб кетсан, Гани?
— Қизарган юзларимга
Килаверма кўл ҳавас.
Менга ўхшаб «семириш»,
Билсанг, осон иш эмас.
Кечакуринолмадим
Одамларнинг кўзига.

Сен яхшиси кулоқ сол
Катталарнинг сўзига.
Ўз вақтида овқатлан,
Ўз вақтида ухла, тур.
Ва иложи борича
Арилардан пари юр.

ОМОННИНГ ОРЗУСИ

— Янги йилни ўрмонларда
Кутардим топсан имон,
Кай бир оқшом акасига
Шундай деб қолди Омон.
— Танлаб олиб бир арчани,
Ўнинчоқлар тақардим.
Нўқ, йўқ, асло кесмас
Эдим,
Унга тўймай боқардим.
Элтар эдим күшларга дои,
Қўйилар учун қараш.
Нишинлардим янги йилни
Улар билан шод, хуррам.
Ўрмонни сайр этишига
Таклиф этиб барчани,
Асрар эдим кесилишдан
Ақалли бир арчани...

АЭЗ ҲАҚИДА ШЕЪР

Тунлар чизиб чицсанг ҳам
Ойналарага гулзор, ой,
Еқтириплас одамлар
Сени ҳануза, аёвой.
Кор сингари юмингни

Солмас қўшик-қўйларга.
Эшикларни ёшишар
Кирмасин деб уйларга.
Нега шундайлитини
Ўйлаб кўрганимсан ҳеч?
Бир ёмон одатиган бор,
Уша одатигандан кеч.
Бас қилсанг чиҷилаши
Кулоллару бурундан,
Сени ҳам ёшу қари
Суюб қолади чиндан...

АЖОЙИБХОНА МАЙМУНЛАРИ

Хордиқ кунлар азалдан
Кичкинтойларга байрам.
Бу кунларни орзишиб
Кутнишар маймунлар ҳам.
Яқинроқ ўтиришар
Улар шу кун тўр симга
Ва сочларни тарашар
Тушмоқ бўлиб расмга...

ЖАВОБСИЗ ЖАВОБ

— Раъно нега эшикини
Ешиласдан юрар?
Дафтар, ручка, пайторни
Топмасдан юрар?
Десам, деди, ойини:
(Жуда ҳоргии товуши)
— Излашворсанг айтаман.
Кўйма ковушни.

ШОИР БИЛАН МУЛОҚОТ

ТОШКЕНТ Давлат аграр дорилғунунда қизиқарли кечака ва учаршувлар мунтазам ұтказилиб турилади. Яқинда бу ерда ССРР халқ депутати, Узбекистон халқ шоюри, Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг совриндори Абдулла Орипов билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувни дорилғунун ректори, Узбекистон халқ шоюри Эркин Турдиевич Шайхов очиб, Абдулла Орипов ижодининг серқирралиги, унинг дилкаш инсон ва ажойиб жамоат арбоби эканлигини тўпланганларга мароқ билан сузлаб берди.

Шундан сўнг ўзбек тили кафедрасининг ўтиричуси Муҳсин Мўминов шоирининг «Биринча мұҳаббатим» шеърини ёддан айтib берди. Кейин кутубхона ходими Курбонай Каримова, 1-курс толиби Худойназар Вохидов, 2-курс толиби Баҳодир Янгибоев ва бошқалар ўзларининг ижодларидан намуналар қўйидилар. ССРР Журналистлар уюшмасининг аъзоси Ҳамид Ҳабибуллаевнинг фикр-мулоҳазалари ҳам Абдулла Ориповнинг ижодий ва ноиблик фаолиятига багишланди.

А. МАЖКАМОВ.

Ижтимоий масалалар бўлимида

МОЗИЙНИНГ сарғайган дафтарни варақлаймиз, варақлардан оху надомат, фарёдлар, дарду армонлар тўкилади. Лагча чўғ юрагини даст кўтириб Усмон Носир қўзғолади, Абдулла Қодирй, Чўлон, Фитратлар сўз сўрайдилар, қамоқхоналарнинг заҳ ертўлаларида аъзою баданлари кора қонга бўялган йиртиқ чон дехқонлар, жойномоз устида тутиб келтирилган мўтабар қариялар кўринади. Уларнинг ҳаммасига «халқ душмани» тағаси босилган. Лекин бояқшлар шўро ҳукумати олдида қандай гуноҳлари борлигини ўзлари ҳам билмайдилар, терговларда чарм куртка кийган, ёнларига тўпконча осиб олган кишиларга вахимаҳдик арапаш тикиладилар, айномаларни хушлари оғиб тинглайдилар, шунча «гуноҳ»ни ортириб олганларига ўзлари ҳам ҳайрон...

Мозий дафтари саҳифаларида чойхўрлар орасида ранглари гезариди тириган «спион»лар, одамларни қулоқлар рўйхатига ёзётган амалдорлар кўринади, она ватанларидан мусоғир юртларга бадарга қилинган кишиларнинг маънос чехралари, ёшли кўзлари жонланади. Юрагингиз дард-зардобга тўлади, социалистик жамиятимизда ана шундай савдолар бўлиб ўтганига ишонгингиз келмайди.

Абдулла ака сўнгиз ўй-ҳаёллардан эзилиб кетди, юрагингиз қаерида дард-зардобга тўлади, социалистик жамиятимизда ана шундай савдолар бўлиб ўтганига ишонгингиз келмайди. Абдулла ака соч-соқоли оқариб, кўзларидан нур, белидан қувват кетгунча отасининг изларини излади.

Абдулла Муқим ўғли ҳикоясидан: — Сулоламиз сардори Иноғомжон бува бўладилар. У киши ўтган асрнинг охирилари ва ҳозирги асримизнинг биринчи ярмида Қиброй қишлоғида яшаганлар. Кесб-корлари асосан дехқончиллик эди. Баъзида ҳунармандчиллик билан ҳам шуғуллангарлар. Бувамизнинг Орифжон, Муқимжон, Муслимжон, Исломжон исмли тўрт фарзандлари бор эди. У кишини билганинг ҳикоя қилишларича, бувамиз «Иногом чўп қўймаси лақаби билан машҳур бўлган эканлар. Сабаби, ниҳоятда озода-саришта, ҳаром-ҳарисдан ҳазар қиласидан, уволдан кўрқадиган одатлари бор экан.

Абдулла аканинг гапларида лофт ўй: ҳалқимизнинг аксарияти ислом ақидалари руҳида тарбияланган, ергаги нон ушогини кўзларига суртиб олишган, оқ қоғозларни покиза жойда сақлаганлар, бева-бечораларни ранжитмай, саҳоват кўрсатганлар. Иноғом буванинг оиласида ҳам ислом қоидаларига асосланган тартиб жорий этилганди. Буванинг фарзандлари ҳалол меҳнат билан кун кечириши, тадбиркорликлари туфайли ўзларига тўқ яшадилар.

Шўро ҳукумати асрлар бўйи ҳукм сурб келган тартиб, ақидаларни ўйқу қицарди. Одамлар эшик-дера-заларни маҳкам зичлаб, номоз ўқишарди, энди «худо», «шариат» сўзлари ошкора айтилмасди. Кўплари замонасозлик қилиб, дўпни ўрнига шапка кийдилар, бўйма ёқа китель кўйлак устидан камар тақдилар. Ўша пайтда бу нарсалар зиёлиллик, амалдорлик белгиси эди. Ака-укалар «НЭП» ҳаракатига қўшилиб, Қибройда савдо дўйони очиши, дехқончилкни ҳам тўхтатмадилар, ҳунарманд-

чиликларини юргизиб турдилар. Иноғом бува ўғиллари тарбиясини қаттиқ ушлар, деярли ҳар куни оила даромадини кўпайтириб туришга даъват этарди. У замонларда таълимтарбиз тўғрисида минглаб-миллионлаб кўлланмалар босилмасди. Фақат ягона Ислом қоидаси бор эди. Қарангки, биз ҳозир шунча кўлланма, юзлаб рўзнома, радио, «конаи жаҳон»имиз билан эзлолмайтган тарбиявий ишларимизни ота-боболаримиз осонгина амалга оширишган... Афуски, худосизлик-даҳрийлик сиёсати иймон-этиқодга болта урди, меҳр-оқибатни бадарга қилиди. Ҳаммадан ёмони-ислом қоидаларига кўра оиласини муҳтожлик, бирор-

ни қутқармоқчи бўлди. Лекин қўлидан келмади. Икки бирдек азamat йигит очарчиллик домига тушиб, бир бурда нонга зор бўлиб, дунёдан ўтиб кетишиди. Муслимжон жигарларининг етим қолган фарзандлари ва Муқимжонни не-не азоб-уқубатда Тошкентга олиб келди.

Абдулла Муқим ўғли ҳикоясидан: — Ҳали-ҳали алам билан ўйлайман, бечора отам шўро ҳукуматига нима ёмонлик қилган здики, уни минг бир балога йўлиқтиришиди? Раҳматли ўзларини бегуноҳ ҳисоблардилар, соддалик билан ҳукумат буни билади, энди мени тинч қўйишиса керак, деб ўйларди. Ўзимизнинг муқим ўй-жойимиз йўқ, Тошкентдек

деб сўради, «Ҳа» деб жавоб берши билан, тўпкончасини ялончоҷлаб, кўкрагига тирди: «Сиз қочоқ, ҳали душманиси», деди. «Ҳалқ душмани» гап қайтариш бефойда эканлигини биларди, фарзандларидан бир оғиз рози-ризолик олмай кетаётганидан юрак-бағри эзилди.

Муқимжонни бир ҳафта Қиброй НКВДси қамоқхонасида сақлаб, кейин Тоштумрага олиб кетишиди. Уша пайтда турма Олой бозори яқинидаги «Заря» тикувчилик бирлашмаси ўрнида эди.

Абдулла Муқим ўғли ҳикоясидан: — Навбатимиз ҳар иккى ойда келарди. Сўнгги марта июль ойида келдик, кунлар иссиқ эди. Бизга «Энди келманглар», дейишиди. Ўзбекистон Прокуратурасидан отамнинг оқланганлиги тўғрисидаги ҳужжатда отам «Советларга қарши» ташвиқот юргизганлиги учун Узбекистон НКВДси ҳузуридаги маъшум «учлик» карор билан 1938 йил, 23 февралда отилган экан. Биз бундан беҳебар қамоқхонадан-қамоқхонага югуриб юраверган эканмиз. Қарангки, виждони-динини ютганлар буни билиши ҳам олиб борган нарасларимизни «тоталарингизга бериб қўймиз», деб олиб қолишаарди. У пайтларда «ҳалқ душмани»лари оила аъзоларидан ўзларини олиб қочишаарди, ҳатто салом бершига қўрқишаарди. Шу тариқа елкамиз қисишил, катта бўлдик. Отам раҳматли мусулмон бўлганликлар учун суратга ҳам тушмаган эканлар, у киши отилган жойни эса ҳеч ким билмайди. Мен бегуноҳ шаҳид бўлган отам отилган жой тупроғидан Қиброй мозорига олиб келиб, мусулмончилик одалтариши амалга ошироқчи эдим, бўлмади. Отамнинг барча фожиала-рини у кишини сўнгги нафасигача кутган, бу дунёдан рўшонлик кўрмай ўтиб кетган муштипар-мушфиқ онамизининг қабр тошларига ўйиб ёздирдим.

Ҳар бир қобил фарзанд ота-онаси ўтган жойлари унумтайди, чирокларини ёқиб турди. Мен ҳам қариган ҷоғимда Қибрайдан бир парчагина ер олиб, ота-онаминг дуюи-фотиҳасини қилиб ўтироқчи эдим, афуски ҳеч ким менинг ўртаган юрак дардларими тушинмади.

Агар ҳақиқат охиригача қарор топиб, биздан ноҳақ тортиб олинган ўй-жой, мол-мулқлар кайтарилганда, мен уларнинг ҳаммасини ҳалқимиз саломатлигини сақлашга, Отабек сингари ногирон болаларни согайтириша сарфлардим...

Ўзок йиллар «Гипронизздрав»нинг Ўтра Осиё бўлимида бош мутахассис бўлиб ишлаган Абдулла Муқимовнинг ниятлари кутлуғ. У қатагон йиллар яна ҳалқимиз бошига тушмасин, мустақилларимиз — ўзлигимиз кўз қорачугимиздек сақлайлик, дейди.

...Мозийнинг сарғайган дафтарларида дард-алам, армон-ўқинч юп. Гуноҳи нимадалигини ўзлари ҳам билмай Сибирнинг совуқ ўрмонларида кафансиз кўмилган юртдошларимизнинг чирқираган руҳи бизларни ҳушёрликка чорлайди.

Эсон ҚОСИМОВ,
Ражаббай СОБИРОВ.



У ҚАТАГОН ЙИЛЛАРИДА БЕГУНОҲ ШАҲИД БЎЛГАНЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ, ҶАРИНДОШ-УРУГЛАРИ ЮРАГИДА БИР УМР ҚОЛИБ КЕТДИ

ларга қарамлиқдан сақлашга уринган, беш-олтига кўй-молни ошиқча сақлаган кишилар қора рўйхатта тушдилар. Ака-укаларнинг тўкин-сочин ҳаётлари НКВД ходимларидан шубъа ўйротди, улар Муқимжон ва унинг ўғли Мустаҳмани хибсга олдилар, аммо бирор айб тополмай, чиқалар, юборишга мажбур бўлдилар.

Коллективлаштириш ҳаракати ишбильармон-тадбиркор кишилар тагига сув куиди. Ака-укалар ҳам қулоқлар рўйхатига тушдилар-барча мол-мулқ ва ўй-жойлари «Темир қадам» колхози ҳисобига ўтиказиди. Орифжон билан Исломжонлар оиласи билан Украинанинг Херсон вилоятига сургун қилинадилар. Муқимжон Тошкентга, Муқимжон Қўонга қочиб кетишиди. Бирорларга зиён-захматлари тегмай, ўз ҳалол меҳнатлари билан тириклил қилиб юрган мустаҳкам оила парчаланди. Иноғомжон буванинг адл қомати букилди, бокий дунё ишларидан юз ўтириб, узлатга чекинди, дастурхонида устида ҳам, жойномоз устида ҳам йиглади, ҳар бирি Рустам достондек азamat ўғиллари дардидаги кўйиб таом - бўлди. Қибрайларига унинг пардек ёнгил тобутини мозорга елкана-елка кўтариб бордилар...

Ака-укалар бир-бирларига суюниб қолган эдилар. Оила бошига тушган ногиҳоний кулафат уларнинг дилига цексиз қайту солди. Бир амаллаб Қўонга қочиб келган Муқимжон ётса ҳам, турса ҳам бегона юрт — Украинада мусофиричиликда юрган жигарлари Орифжон билан Исломжонларни ўйларди, юрак-багри эзиларди. У ўғиллари билан яширин равища Херсонга бориб, улар-

шахри азимда тўхтосиз кўниб юрадик. Ниҳоят отамнинг ҳолаваччилини билан бирни шаҳар ҳовлисими бизга берди. Отамнинг «қоноқ» номлари бор эди, шунинг учун турли қурилишларда қора ишчи бўлиб ишлардилар, болаларим бир бурда нонга зор бўлишмасин, деб ёнг ишларни бажарардилар. У киши иккى марта уйланганлар; биринни турмушларидан Мустаким, Акромжон ва Ҳанифа исмли фарзанд кўрганлар. Аёллари вафот этган, иккинчи марта, яъни бизнинг онамизга уйланганлар. Мустаким акаам Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган. Акромжон уруш ногирони, Тошкентда лайди. Убайдулла ҳарбий хизматни Узик Шарқда ўтаган пайтида ўлқасини шамоллатиб кўйган эди, шу дард уни 59 ёшида олиб кетди. Кенжя укамиз Ҳамидулла отамизга қаттиқ боғланаб қолганди, сўнги нафасигача уни кутди, «тотажон», деб жон берди...

...1938 йилнинг январи, «қама-қама», вақималардан кўнгилларни зада бўлиб қолган одамлар дарвозаларини маҳкам тамбалаб, ўйнуга кетишиган, итларнинг хуриши, увлалаши ўзини ўтилди. Муқимжонларнинида ҳамма уйғоқ эди. Бирдан кўча эзигини кимдир гурсиллатиб урди, ҳиқириқ овоздан чекирди. Чиқишиди. Маҳалла раиси экан, «Тез юринг, сизни бир одам сўраяпти!» деди у. Муқимжон қайтиб ўйга кирди. Оила аъзоларининг кўзлашибарда ваҳима-қадик. «Бормасам бўлмайди, — деди у. — Ҳавотир олманглар, тезда қайтиб келаман». Муқимжон ўтилган ўйга кирди. Чарм куртка ва шапка кийган кишилардан бири: «Сиз Иноғомжоновимиз?»

МУҲАРИРИЯТГА МАКТУВ

КУТИШ АЗОБИДАН ҚАЧОН ҚУТИЛАМИЗ?

ХУРМАТЛИ МУҲАРИРИЯТ!

Ушбу мактубни сизга юборинга аҳд қилдик. Чунки бу масалада беш йилдан бўйи учрашмаган ташкилотимиз, район, вилоят раҳбарлари ҳолмади, десак муболага бўлмас. Аммо унинг ҳал бўлишидан даражаки.

Масаланинг мөддиятини учун галини бо-

шидан бошлашга тўғри келади. Тошкент шаҳар бўриллиш ташниш 4-автомобил транспорт трестининг 182-автобус Тошкент шаҳридаги тўқиличилик комбинатидан Калинин районининг «Тўқиличилик маши» давлат хўжалиги оралигига ҳаттиайди. Бу автобус Калинин районининг Назарбек қишлоғидан йўловчиларни олиб, сабзи «Москва» жамоа хўжали-

ги ордали Бўзсуудан ўтиб Чилонзор томон буриллиш кетади. Ҳамма гап шунидаки, ана шу автобус худди шу жойдан бурилмай, бир ярим чақирим келадиган район марказидаги бетон йўлдан айланаб, Фарҳод бозорига қатнаганида яна бир неча минг кишининг йўлни язин қилиб, дусосини олган бўларди.

Тўғри, бу йўлдан Калинин райони автомобил корхонасига ҳароради автобус ташниш қатнайди. Лекин у бошига томонга ҳаракат қилиди. Иккичида, уни йўловчилар соатлаб кутишиади. Шу тариқа жуда қийинлишимоқда.

Бу масаланинг бир томони. Агар 182-автобус биз-

таклиф қилиган йўлдан қатнага аҳоли ўз вақтида манзилига ҳам етиб оларди, шу ҳудуддаги дехқонлар эса Фарҳод бозорига ўз томсокларидан етиштириган сабзавот, мева-чеваларни олиб бориб сотишлари ҳам мумкин бўларди.

Бизга кўнинча 182-автобус шаҳарга қарашли, деган баҳонани рўячан қилиши. Биз мутасадди ташкилотлардан, ҳурматли район ва вилоят раҳбартаридан, депутатлардан таклифимизни кўриб чиқишини ва ижобий ҳал этишини илтимос қиласимиз.

Салом билан кўп соили йўловчиларномидан меҳнат фахрийи АСИЛОВ.

• ЭЪЛОН •

ЭВАЗИГА УЙ ҚУРИБ БЕРАМАН

